



Ўзбекистон Республикаси  
Судъялар олий кенгаши

# АХБОРОТНОМА

Кенгашнинг 2023 йилдаги фаолиятига оид



**Ўзбекистон Республикаси**  
**Судъялар олий кенгашининг**  
**2023 йилдаги фаолиятига оид**

**АХБОРТОТНОМА**

Ахборотномада судъялар корпусини шакллантириш, судъялар дахлсизлигини таъминлаш, суд тизимида коррупциянинг олдини олиш чора-тадбирлари, судъяларни касбий тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этиш, оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик, фуқаролар мурожаатларининг таҳлили, замонавий ахборот-технологияларни жорий этиш, судъялар фаолияти самарадорлигини баҳолаш натижалари, суд фахрийларини рағбатлантириш, халқаро ҳуқуқий ҳамкорлик, Кенгаш ташаббуси билан нашр этилган китоб ва қўлланмалар ҳамда ибрат мактабини яратиш билан боғлиқ қилинган ишлар жамланган.

**Судьяларни танлаш ва лавозимларига тайинлашда ноқонуний аралашувларнинг олдини олиш, очик, ошкора ва муқобил танлов тизимини яратиш мақсадида Судьялар олий кенгаши таъсис этилди.**

**Шавкат Миromонович Мирзиёев**  
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

## КИРИШ

Ўтган йилнинг илк ойида давлатимиз раҳбари томонидан одил судлов сифати ва самарадорлигини янада оширишга оид иккита (16.01. 2023 й. ПФ-11-сон; ПФ-12-сон) муҳим фармон қабул қилинди.

Хусусан, “Одил судловга эришиш имкониятларини янада кенгайтириш ва судлар фаолияти самарадорлигини оширишга доир қўшимча чоратадбирлар тўғрисида”ги Фармон (ПФ-11-сон) билан “2023 – 2026 йилларга мўлжалланган суд тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқишнинг қисқа муддатли Стратегияси” тасдиқландики, бу мамлакатимизда изчил амалга ошириб келинаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотларини янги босқичга кўтарди.

Стратегияда «Инсон қадри учун» ғояси асосида чинакам адолатли суд тизимини шакллантириш, адолатли суд қарорлари қабул қилинишига эришиш орқали халқнинг, шу жумладан, тадбиркорларнинг суд тизимиға бўлган ишончини мустаҳкамлаш, ҳар бир шахс суд ва судьялар сиймосида ўзининг ишончли ҳимоячисини кўришига эришиш асосий вазифа сифатида белгиланди. Шунингдек, унда судьяларнинг мустақиллиги ва дахлсизлиги кафолатларини кучайтириш, суд ишига аралашиб ҳолатларининг олдини олиш масалалари ҳам устувор вазифалар қаторида қайд этилди. Бундан ташқари ҳудудлардаги аҳоли сонидан келиб чиқиб, судьялик штатбирликлари сонини босқичма-босқич ошириб бориш белгиланди.

Мазкур тўплам юқорида қайд этилган фармонларнинг ижроси, шунингдек, судьялар ҳамжамияти мустақил органи сифатида янги таҳрирда қабул қилинган Конституция ва Кенгаш фаолияти тўғрисидаги қонунда белгиланган ваколат ва вазифаларидан келиб чиқиб, судьялар корпусининг шакллантириш, суд ҳокимияти мустақиллигининг конституциявий принципига риоя этилишини таъминлаш бўйича Судьялар олий кенгашининг 2023 йилда амалга оширган ишлари сарҳисобидир.


Судьялар олий кенгаши судьялар корпусини шакллантиришда очиқлик ва шаффофликни таъминлаш, судьялик лавозимиға тайинловлар очиқ танлов ва муқобиллик асосида амалга ошириш, бу жараёнга янги тартибларни жорий этар экан, кадрларнинг профессионал салоҳиятидан ташқари маънавий дунёқарашига ҳам алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Бунинг ижобий жиҳатлари тизимда жорий этилган яна бир мутлақо янги амалиёт - судьялик лавозимиға номзодлар ва судьяларнинг психологик портрети бўйича касбга муносаблигини баҳолашга кўмаклашувчи ҳамда уларнинг фаолиятини электрон рейтинг орқали шаффоф баҳолашга оид электрон дастур натижаларида яққол намоён бўлмоқда. Чунки, янги Ўзбекистонда рўй берётган тарихий бурилиш палласида адолатни қарор топтиришга қодир бўлган судьянинг маънавий баркамоллиги муҳим аҳамият касб этади.

 Судьялар корпусини шаклантириш

**2024 йил 1 январь ҳолатига фаолият күрсатаётган судьялар ва вакант судьялик лавозимлари ҳақида маълумот**

Судлар номи	Штат бирлиги	Шундан				
		Ишлаётган	Вакант			
Олий суд	73	65	89,0%	8	11,0%	
Умумюрисдикция судлари	1173	1169	99,7%	4	0,3%	
Шундай намеси	Вилоят судлари	385	384	99,7%	1	0,3%
	Туманлараро, туман (шаҳар) судлари	788	785	99,6%	3	0,4%
Маъмурий судлар	173	171	98,8%	2	1.2%	
Шундай намеси	Вилоят судлари	102	101	99,0%	1	1.0%
	Туманлараро судлари	71	70	98,6%	1	1.4%
Харбий судлар	12	12	100,0%			
<b>ЖАМИ</b>	<b>1431</b>	<b>1417</b>	<b>99,0%</b>	<b>14</b>	<b>1,0%</b>	

**Вакант судьялик лавозимлари кўрсаткичи динамикаси**



## Судьялик лавозимлариға номзодларни танлов асосида танлаш




Кенгаш томонидан 2023 йил давомида **35** (45) маротаба мажлис ўтказилган бўлиб, унда жами **764** (679) та масала муҳокама қилинган. Шундан, **710** (612) та судьялик лавозимига тайинлаш, **49** (59) та судьялик ваколатини муддатидан илгари тугатиш, **5** та бошқа масала муҳокама қилинган.

Ўтказилган кенгаш мажлислари	Кенгаш мажлисларида кўриб чиқилган масалалар	Шундан	
		Судьялик лавозимига тайинлаш масаласи	Судьянинг ваколат муддатидан илгари тугатиш масаласи
35	764	710	49

2023 йил давомида судьялик лавозимлариға биринчи мартда тайинланадиган номзодларни судьялик лавозимига саралаш танловида иштирок этиш учун жами **206** (103) та ариза келиб тушган. Шундан **67** (36) та жиноят ишлари бўйича, **66** (38) та фуқаролик ишлари бўйича, **38** (12) та иқтисодий судлар, **35** (17) та маъмурий судларнинг судьяси лавозимига иштирок этиш учун тақдим этилган.

Судлар	Жами келиб тушган аризалар	Шундан	
		имтиҳондан ўтган	имтиҳондан ўтмаган
Жиноят	67	35	32
Фуқаролик	66	51	15
Иқтисодий	38	28	10
Маъмурий	35	24	11
<b>ЖАМИ</b>	<b>206</b>	<b>138</b>	<b>68</b>

Судлар	Жами мухокама қилинган номзодлар	Шундан					
		Муносиб деб топилган		Номуносиб деб топилган		Рад этилган	
		сони	%	сони	%	сони	%
Олий суд	12	12	100%				
ЖИБ судлар	87	73	83,9%	14	16%		
ФИБ судлар	98	85	86,7%	13	13,2%		
Иқтисодий судлар	57	53	92,9%	4	7%		
Маъмурий судлар	38	34	89,4%	4	10,5%		
Харбий судлар	1	1	100%				
Қайта тайинланганлар	417	283	67,8%			134	32,1%
<b>ЖАМИ</b>	<b>710</b>	<b>541</b>	<b>76,1%</b>	<b>35</b>	<b>4,9%</b>	<b>134</b>	<b>18,8%</b>



Судьялик лавозимига тайинлаш масаласида мухокама қилинган **710** (612) нафар номзоднинг **541** (459) нафар ёки **76,1** (75) фоизи судьялик лавозимига муносиб деб топилган, **35** (43) нафар ёки **4,9** (7) фоизи судьялик лавозимига номуносиб деб топилган, **134** (110) нафар ёки **18,8** (18) фоизини қайта тайинлаш рад этилган.


Судьялик лавозимига муносиб деб топилган номзодлар	Шундан			
	Беш йил муддатга	Навбатдаги ўн йил муддатга	Судьялик лавози- мининг муддат- сиз даврга	Қайта тайинланган
541	142	111	5	283

Бундан ташқари, **12** (5) нафар Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси лавозимига, **18** (5) нафар вилоят судларининг раислари ва раис ўринбосарлари лавозимларига тавсия этиладиган номзодлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентига тақдимномалар киритилган. 2023 йил давомида **22** (27) нафар судьялик лавозимларига тавсия этиладиган номзодлар бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига тақдимномалар киритилган.

Кенгаш томонидан янги ваколат муддатига ва бошқа судьялик лавозимларига тавсия этилган **120** нафар номзоднинг ҳужжатлари ўрганилмоқда.

### **Судьялик лавозимига илк бор тайинланган номзодлар ҳақида маълумот**

2023 йилда Кенгаш томонидан беш йил муддатга судьялик лавозимларига **142** (71) нафар номзод муносиб деб топилган бўлиб, уларнинг **36** (22) нафари жиноят ишлари бўйича судга, **52** (22) нафари фуқаролик ишлари бўйича судга, **29** (12) нафари иқтисодий судга, **25** (14) нафари маъмурий суд судьялигига тайинланган.



### **Ўн йиллик муддатга тайинланган (сайланган) судьялар ҳақида маълумот**



**ЖАМИ**



**111**

Хисобот даврида судьялик лавозимида бўлишнинг навбатдаги ўн йиллик муддатига 2023 йилда **111** (169) нафар номзод муносиб деб топилган. Жумладан **11** (6) нафари Олий суднинг судьяси, **34** (64) нафари жиноят ишлари бўйича, **32** (49) нафари фуқаролик ишлари бўйича, **21** (23) нафари иқтисодий, **12** (23) нафари маъмурий, **1** нафар ҳарбий суди раиси лавозимига тайинлаш учун кўрсатилган.

Ҳозирги кунда **839** (771) нафар судьялар 10 йиллик муддатда ишламоқда.

## Муддатсиз даврга тайинланган (сайланган) судьялар бўйича маълумот

2023 йил давомида судьялик лавозимида бўлишнинг муддатсиз даврига **5** (2) нафар номзод муносиб деб топилган. Хусусан **1** нафари Олий суднинг судьяси, **2** нафари вилоят суди раисининг ўринбосари,

**2** (1) нафари жиноят ишлари бўйича судларнинг судьяси лавозимига тайинган.


Ҳозирги кунда **51** (52) нафар судьялар муддатсиз даврда ишламоқда.

## Судьялик ваколати муддати даврига қайта тайинланган судьялар бўйича маълумот


2023 йилда Кенгаштомонидан **283** (210) нафар судья ваколат муддати даврига бошқа судьялик лавозимларига қайта тайинланган бўлиб, шундан **83** (95) нафари жиноят, **75** (64) нафари фуқаролик, **50** (9) нафари маъмурий, **55** (37) нафари иқтисодий, **4** нафари ҳарбий судларнинг судьяси, **10** (1) нафари вилоят суди раиси ҳамда **6** (4) нафари вилоят суди раисининг ўринбосари лавозимларига қайта тайинланган.




Жиноят ишлари бўйича судьялар




Фуқаролик ишлари бўйича судьялар



Маъмурий ишлар бўйича судьялар



Иқтисодий ишлар бўйича судьялар



## Ваколатлари муддатидан илгари тугатилган судьялар

	2020	2021	2022	2023
Ёзма аризасига кўра	4	8	30	24
Судьялик қасамёдини бузганлиги учун	8	11	22	17
Судьялар одоби кодекси талабини бузганлиги учун	4	8	2	8
Жами ваколат муддати тугатилган судьялар	16	27	54	49

## 2023 йилда фаолият юритган аёл судьялар

2023 йилда республика бўйича **1417** (2022 йилда 1321) нафар судья фаолият юритган бўлиб, шундан **199** (179) нафарини ёки **14,0** (13,6) аёл судьялар ташкил этди.


Шу даврда ишлаб турган аёл судьяларнинг **28** (25) нафари раҳбар лавозимларга тайинланган.

Аёл судьяларни суд ихтисослиги бўйича фаолияти					
Ўзбекистон Республикаси олий суди	Фуқаролик ишлари бўйича судларда	Жиноят ишлари бўйича судларда	Иқтисодий судларда	Маъмурӣ судларда	Жами
13	111	31	27	17	<b>199</b>

Тизимда **25** та юридик фанлар номзоди илмий даражасига эга судьялар фаолият кўрсатади.

Судларда фаолият юритаётган **49** нафар судьялар давлат мукофотлари билан тақдирланган.

## Судьяларнинг ёши ҳақида маълумот



2023 йилда судьялик лавозимида бўлишнинг энг юқори ёшини узайтириш бўйича **2** (3) нафар **65** ёшга тўлган судьянинг судьялик лавозимида бўлишнинг энг юқори ёшини узайтирилди.





## Суд тизимида гендер тенгликни таъминлаш



Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши, Олий суд, USAID Миссиясининг Демократия ва бошкарув оғиси, East-West Management Institute билан ҳамкорликда Ўзбекистон Республикаси делегациясининг ҳар икки йилда бир марта бўлиб ўтадиган Аёл судьялар халқаро ассоциациясининг Марокашдаги 16-конференцияда иштироки натижалари бўйича давра сұхбати бўлиб ўтди.

Маълумот учун: мазкур 16-халқаро Конференцияда 70 дан ортиқ мамлакатлардан келган 1.035 нафар судьялар иштирок этди.

Конференцияни ташкил этган Халқаро аёл-судьялар ассоциацияси 1991 йил ташкил топган бўлиб, ҳозирги кунда **143** та мамлакатдан **10.400** дан ортиқ аъзолари бор. Ассоциация турли мамлакатларнинг миллий аёл-судьялар ассоциациялари, шунингдек, якка тартибда аъзо бўлган судьялардан иборат.

Айнан мазкур Ассоциация ташаббуси билан БМТ Бош Ассамблеяси 10 март кунини халқаро аёл-судьялар куни деб эълон қилиш ҳақида 2021 йил 28 апрелдаги 75/274 сонли резолюцияни қабул қилган.

Мазкур конференция одил судловни яхшилаш борасида ўзига хос мулоқот, тажриба ва ахборот алмашиш майдони булиб, аёл-судьялар бирлашиб, жамият учун мухим бўлган масалаларни ҳал этиш жараёнида ташабbusкорлигини янада қўллаб-қувватлашга қаратилди.



## Кенгаш - Гендер тенглик фаоли

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши Олий Мажлиси Сенати ҳамда Хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенглик ва оила масалалари бўйича комиссияси, Оила ва хотин-қизлар қўмитаси томонидан ўтказилган “Гендер тенглик фаоли – 2022” миллый танловининг “Гендер тенгликни таъминлашда энг фаол республика даражасидаги давлат органи (ташкilotи)” номинацияси бўйича ғолиби бўлди.

Олий Мажлис Сенати аъзолари томонидан ғолиблик дипломи ва статуэтка топширилди ҳамда гендер тенгликни таъминлаш борасида Судьялар олий кенгаши амалга ошираётган ишлари эътироф этилди.



Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши, Олий суди, АҚШ Халқаро тараққиёт агентлиги (USAID) ҳамда “East-west management institute” НТТ Ўзбекистондаги филиалининг “Суд тизимини мустаҳкамлаш” (JSSA) қўшма лойиҳаси ҳамкорлигига ташкил этилган мазкур анжуманда суд тизими мутасаддилари, сенаторлар, Олий Мажлис қонунчилик палатаси депутатлари, мамлакатимиздаги хотин-қизлар фаолиятига масъул республика раҳбарлик идоралари етакчилари, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Молдова ва Сербия давлатлари Олий судлари вакилалари ҳамда юртимизнинг фаол аёл судьялари иштирок этди.






## Судьялар дахлсизлигини таъминлаш

**Судьялар дахлсизлиги бузилишининг ва уларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига аралашининг олдини олиш бўйича кўрилган чора-тадбирлар**

2023 йил давомида судьялар дахлсизлиги бузилишининг ва уларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига аралашиш бўйича **2** та ҳолат қайд этилган бўлиб, бу ҳар бир ҳолат бўйича хизмат текшируви ўтказилиб, Бош прокуратурага тақдимномалар киритилди.

Туман ҳокимликларининг судларга тури вазифалар юклаш ҳақидаги **9** та қарорлари бекор қилинди.

### Судьяларнинг интизомий жавобгарлиги



2023 йилда **720** (472) та интизомий иш қўзғатилган, шундан **369** нафар судьяга интизомий жазо қўлланилган бўлиб, **29** (22) нафар судьянинг судьялик ваколатини муддатидан илгари тугатилган, **126** (103) нафар судьяга нисбатан “ҳайфсан”, **23** (16) нафар судьяга нисбатан “жарима”, **191** (132) нафар судьяга нисбатан “огоҳлантириш”, **344** (196) нафар судьяга нисбатан интизомий иш тугутилган, 2 нафар судьяга нисбатан интизомий иш бекор қилинган.

Қўзғатилган интизомий ишларнинг **324** (217) таси фуқаролик, **285** (200) таси жиноят, **75** (40) таси иқтисодий, **36** (15) таси маъмурий суд судьяларига тўғри келади.

Таҳлилларга кўра, интизомий ишларнинг аксарият қисми Тошкент шаҳар (154), Фарғона вилояти (69), Қашқадарё вилояти (61), Навоий вилояти (57) Тошкент вилояти (50), Бухоро вилояти (50), Наманган вилояти (47) ва Қорақалпоғистон Республикаси (44) кўрсаткичларига тўғри келади.

Мазкур интизомий ишларнинг **30** (24) таси Кенгаш томонидан, **56** (27) таси Олий малака ҳайъати томонидан, **630** (225) таси жойлардаги малака ҳайъатлари томонидан ўtkazилган хизмат текширувлари асосида қўзғатилган.

Шу жумладан, **68** (36) та интизомий иш судлар томонидан чиқарилган хусусий ажримлар, **490** (340) таси Олий суд ва вилоят судлари томонидан ўtkazилган судьяларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятини ўрганиш натижаларига кўра **158** (96) таси жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари асосида қўзғатилган.

**125** (119) нафар судья билан профилактик сұхбат ўtkazildi.



## Коррупциянинг олдини олиш чора-тадбирлари

Коррупциявий жиноятларга қарши иммунитетни шакллантириш мақсадида "Пора берма" номли постер фуқаролар қабулхоналарига, "Пора олма" номли буклет судьяларнинг хизмат хоналарига жойлаштирилди.



Кенгаш ташаббуси билан "Пушаймон" қисқатражли фильм суратга олинди. Фильмда иш фаолиятида коррупцияга йўл қўйган ва бунинг оқибатида бутун ҳаёти остин-устун бўлиб кетган собиқ судьянинг аянчли тақдирини ҳақида ҳикоя қилинади.

Мазкур фильм жойларда ўтказилган маърифий тадбирларларда судьяларнинг оила аъзоларига намойиш этилди.

Бундан кўзланган мақсад соҳа ходимларида коррупцияга нисбатан муросасизлик кайфиятини қарор топтириш.

## Судьяларни касбий тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этиш

### Судьялар олий мактабининг фаолияти


2023 йилнинг 4-15 июль кунлари магистратура тингловчилари учун Якуний давлат аттестация синовлари ўtkазилди. Якуний давлат аттестацияси синови натижаларига кўра мактабни **138** нафар тингловчи тугатди.

<b>138</b>	<b>45</b> Жиноят ишлари бўйича	<b>47</b> Фуқаролик ишлари бўйича
Нафар магистратура тингловчиси	<b>23</b> Иқтисодий ишлари бўйича	<b>23</b> Маммурий ишлари бўйича




2022 йил 6 август куни судьяликка номзодларни тайёрлаш бўйича магистратура курсининг 2022/2023 ўқув йили битиравчилари учун тантанали диплом топшириш тадбири ташкил этилди. Тадбирда Судьялар олий кенгаши раиси, аъзолари ва Судьялар олий мактаби профессор-ўқитувчилари иштирок этишди.

2023 йил 13 июль - 27 август кунлари судьяликка номзодларни тайёрлаш бўйича магистратура ўқув курсига қабул қилиш учун синов имтиҳонлари бўлиб ўтди. Имтиҳон натижаларига кўра, **982** нафар даъвогардан **154** нафари Судьялар олий мактаби магистратура босқичи тингловчилари сафига қабул қилинди.



2020-2023 йилларда Судьялар олий мактабини **345** нафар номзод битирди.



Бити्रувчиларнинг **317** нафари ёки **92** фоизи судьялик лавозимларига тайинланди.



## Судьялар олий мактабида малака оширган судьялар

Жиноят ишлари бүйича




Фуқаролик ишлари бүйича



Иқтисодий ишлари бүйича




Маъмурый ишлари бүйича




# 282

нафар судьялар малака ошириш курсларида малакасини оширган.


Жиноят ишлари бүйича




Фуқаролик ишлари бүйича



Иқтисодий ишлари бүйича



Маъмурый ишлари бүйича



# 154

нафар суд ходимлари малака ошириш курсларида малакасини оширган.

2023 йилда жами **436** нафар тингловчи малака ошириш курсларида малакасини оширган. Шулардан **282** нафари (91 нафари жиноят ишлари бүйича, **106** нафари фуқаролик ишлари бүйича, **22** нафари маъмурый, **58** нафари иқтисодий суд, **5** нафар ҳарбий суд) судьялар, **154** нафари (**56** нафари жиноят ишлари бүйича, **56** нафари фуқаролик ишлари бүйича, **14** нафари маъмурый, 28 нафари иқтисодий) суд аппарати ходимларидир.



## Оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик



Хисобот даврида Кенгаш фаолиятига оид марказий телевидение, етакчи босма ва электрон на шрларда **374** та матнли, **95** та видеоматериал эълон қилинди.



Шунингдек, оммавий ахборот воисталарида ижтимоий тармоқларда эълон қилинган **73** та танқидий материаллар юзасидан ўз вақтида муносабат билдирилди. Кенгаш раҳбарияти иштирокида **2** марта матбуот анжумани ўтказилди. Кенгаш матбуот хизмати томонидан ҳар чоракда брифинг ўтказиб

келинмоқда. Матбуот анжуманлари ва брифинглар “O’zbekiston-24”, “Uzreport” телеканаллари орқали тўғридан тўғри эфирга узатилди. Кенгаш фаолияти “O’zbekiston-24”, “Uzreport” телеканалларидан ташқари “O’zbekiston”, “MY-5”, “Sevimli”, “Renesans-TV”, “Mahalla” телеканалларида, “Kun.uz”, “Daryo”, “Xabar.uz”, Uza.uz “Rost-24” каби етакчи веб-сайтлар ҳамда “Халқ сўзи”, “Янги Ўзбекистон”, “Ўзбекистон овози” газеталарда мунтазам ёритилиб келмоқда. 2023 йилда Кенгаш ахборот ресурслари ўқувчилари доираси янада кенгайди, хусусан, телеграм-канали обуначилари соани 12.000 нафарга яқинлашди.



## Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари бўйича таҳлил

Судлар номи	2021	2022	2023
Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари	<b>5140</b>	<b>6889</b>	<b>6489</b>
Суд қарорлари юзасидан	3661	4532	3941
Судьяларнинг хатти-ҳаракатлари юзасидан	120	341	421
Бошқа масалалар юзасидан	1359	2016	2127
Шикоят ва такрорий мурожаатлар	498	481	146
Ишонч телефонлари орқали	1569	2466	2977
Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал қабулхонаси	2106	2896	2973

### Мурожаатларнинг кўриб чиқилиши



Суд қарорлари юзасидан келиб тушган **3941** (4532) та шикоятдан **1440** (1650) таси фуқаролик, **1856** (2200) таси жиноят, **330** (300) таси иқтисодий, **315** (382) таси маъмурий судлар томонидан чиқарилган қарорларга тўғри келади.

Келиб тушган мурожаатларни ўрганиш натижаларига кўра **11** (49) та мурожаат қаноатлантирилган, **2** (3) та мурожаат рад қилинган, **2407** (3709) та мурожаат таалуқлилиги бўйича юборилган, **233** (244) та мурожаат кўрмасдан қолдирилган, **417** (374) та мурожаат маълумот учун қабул қилинган, **2872** (2138) та мурожаат юзасидан тушуниришлар берилган, **421** (341) та мурожаат


бўйича Кенгаш ва жойлардаги малака ҳайъатлари томонидан хизмат текширувлари ўтказилган. (126 та мурожаат қолдиқда қолган.) Бундан ташқари, судьяларнинг хатти-ҳаракатлари юзасидан келиб тушган **421** (341) та шикоятдан **204** (2022 йилда 132) таси фуқаролик, **160** (2022 йилда 152) таси жиноят, **31** (2022 йилда 35) таси иқтисодий, **26** (2022 йилда 22) таси маъмурий суд судьяларига тўғри келади.

Судьянинг хатти-ҳаракатлари юзасидан келиб тушган **421** (341) мурожаатнинг **48** (56) тасида мурожаатлари важлар ўз тасдиғини топган бўлиб, **7** (1) нафар судья лавозимидан озод этилган, **8** (10) тасига “ҳайфсан” интизомий жазо чораси, **33** (10) тасига “огоҳлантириш” интизомий жазо чораси қўлланилган.

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашига жисмоний ва юридик шахслардан келиб тушган мурожаатлар таҳлил қилиниб, таҳлил натижалари жисмоний ва юридик шахслардан келиб тушган мурожаатлари билан ишлаш, асоссиз ва такорий мурожаатларнинг олдини олиш борасида тегишли чора тадбир белгилаш учун Олий малака ҳайъати, вилоят ва унга тенглаштирилган судлар судьялари малака ҳайъатларига юборилди.

Ишларни кўришда сансалорликка йўл қўйганлиги, қўпол муносабатда бўлинганлиги ёки судьялар одоб-ахлоқи қоидаларига зид бошқа хатти-ҳаракатларни содир этганлиги ҳақида маълумотлар келиб тушган ҳамда илк бор судьялик лавозимига тайинланган номзодлар билан **125** (119) маротаба сухбат ўтказилиб, расман огоҳлантирилган.

## Мурожаатларнинг кўриб чиқилиши



## Судьялар олий кенгаши фаолиятига замонавий ахборот-технологияларни кенг жорий қилиниши

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Судьяларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш ҳамда суд тизимида коррупциянинг олдини олиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2020 йил 7 декабрдаги ПФ-6127-сонли Фармонига мувофиқ 2021 йил давомида Судьялар олий кенгаши фаолиятига замонавий ахборот технологиялари кенг жорий қилинди.

### **Электрон билет дастури**



Жумладан, судьялар ва судьялик лавозимларига номзодлар билан сұхбат жараёнида бериладиган саволларни ахборот тизими ёрдамида автоматлаштирилган ҳолда танлаш дастури ишлаб чиқилиб, амалиётда фойдаланиб келинмоқда.

Судьялик лавозимларига

биринчи марта тайинланадиган номзодларни, янги ваколат муддатига ёки бошқа судьялик лавозимларига номзодларни танлаш учун ўтказилидаган сұхбат жараёнида бериладиган саволларни номзод ахборот тизими ёрдамида автоматлаштирилган ҳолда танлайди.

Судьялар олий кенгашининг мажлисининг котиби номзоднинг шахсini таништирганидан сўнг раислик қилувчининг рухсати билан номзод компьютерга уланган мониторда жойлашган түгмаларни босиш орқали дастлаб номзод турини, суд ихтисослигини ҳамда ўзи хоҳлаган билет рақамини танлайди.



Номзод билет рақамини танлагандан кейин мониторга билет рақами ва ундаги саволлар матни чиқади. Билетдаги барча саволларга жавоб берилганидан кейин якунлаш түгмаси босилади. Танланган билет рақами бошқа

номзодлар танлови учун кўринмайди, яъни саволлар такрорланмайди.

Ахбороттизимиғакиритилгансаволлар номзод тури ва суд ихтисослигига қараб автоматлаштирилган ҳолда билетларга тақсимланади.

Саволларни автоматлаштирилган ҳолда танлаш дастури ҳар сафар ишга туширилганда унга киритилган саволлар билетларга қайтадан тасодифий тақсимланади, яъни ҳар сафар билетлардаги саволлар алмашиб туради.

Кенгаш мажлиси якунлангандан сўнг дастурдаги саволлар шу мажлисда қайси билетларга тақсимланганлигини аниқлаш мумкин.

Номзод танлаган билет ва ундаги саволларни бошқа номзодлар ҳамда жамоатчилик вакиллари онлайн тарзда бевосита кузатиб бориши мумкин.

Электрон билет дастури <https://bilet.sjco.uz/> интернет манзилида жойлашган.



## Имтиҳон жараёнларини онлайн ёритиб бориш



Илк бор судьялик лавозимларига номзодларни танлаш бўйича имтиҳон жараёнларини Интернет тармоғи (веб-сайт) орқали онлайн тарзда ёритиб бориш йўлга кўйилди.

Имтиҳон жараёнларини нафақат муқобил номзодлар, балки номзоднинг отоналари ҳам кузатиб боришлари мумкин.

Судьялар олий кенгашининг Youtube тармоғидаги расмий каналида имтиҳон жараёнларининг онлайн трансляция қилиш имконияти яратилди.

## Фуқароларни онлайн қабул қилиш



НАМУНА		
№	Харбий кабуслари	Харбий кабуслари
1.	Ишланиш кабус Хар бутун (Дан ослик сурʼончи мавзулар)	Консул ранга Етториш хизматчи отегасасинчи
2.	Ишланиш кабус Хар бутун (Дан ослик сурʼончи мавзулар)	Консул ранга Гурунбасар жизон алишер идорасинчи

Фуқароларни онлайн қабул қилинган номзод  
Узбекистон Республикаси, 2010 й. Тозиҳет шароит  
дан ослик сурʼончи мавзулар  
Онлайн қабул видеоконференция яхши орнади  
Борборнинг тозиҳет шароити таъминоти за Тозиҳет широр  
суддари бинода ташвиш этилади  
Суддари бинода ташвиш этилади тунг ўйнадига мавзулар ўйнадиган  
тунг ўйнадиган  
<http://www.sjco.uz> – 200-24-00 1190  
Э-юнит телефони – 200-24-00 1190

Судьялар олий кенгаши раиси ҳамда раиси ўринбосари томонидан узоқ ма софада яшовчи фуқаролар видеоконференция алоқаси орқали онлайн қабул қилинмоқда.

## “Психологик тест” электрон дастури



Судьялик лавозимига номзодлар ва судьяларнинг психологик портрети бўйича касбга муносабигини баҳолашга кўмаклашувчи электрон дастур ишлаб чиқилиб, тўлиқ ишга туширилди.

Судьялар олий кенгаши қарори билан “Судьялик лавозимларига номзодлар ва

судьяларнинг касбга муносабигини баҳолашга кўмаклашувчи психологик тест тизими тўғрисида”ги Низом тасдиқланди.


“Психологик тест” электрон дастури ёрдамида шахснинг психологик ҳолатлари ва хусусиятлари баҳоланади.

Психологик тест натижаси профессионал психолог томонидан ўрганиб чиқилиб, тавсиявий характерга эга бўлган холоса тузилади.

2022-2023 йилларда **138** нафар судьяликка номзодлар ва **901** нафар судьялар психологик тест топширди, натижаси бўйича жойларда **258** нафар судья билан психологик тренинглар, **40** нафар судья билан психологик сұхбатлар ўтказилди.



**“Психологик тест”** электрон дастури ёрдамида шахснинг қўйидаги психологик ҳолатлари ва хусусиятлари баҳоланади:





# Судьялар фаолияти самарадорлигини баҳолаш натижалари

СУДЬЯЛАР ОЛИЙ КЕНГАШИ  
АХБОРОТ ТИЗИМИ

Судьялар олий кенгашининг 2021 йил 6 декабрдаги 1646-сонли қарори билан “Судьялар фаолияти самарадорлигини электрон рейтинг баҳолаш тартиби түғрисида Низом тасдиқланди.

Низомга кўра судьялар фаолиятининг самарадорлиги инсон омилисиз ва аралашувисиз 100 баллик баҳолаш тизимида асосий ва қўшимча мезонлар асосида баҳоланади.

Суд қарорларининг сифати, судьянинг масъулияти ва одоби ҳамда судьянинг чет тилларини билиши асосий баҳолаш мезонлари ҳисобланади.

Судьянинг фаолияти самарадорлигини  
электрон рейтинг баҳолаш натижаси  
**Баҳолаш даври:** 01.01.2023 - 31.12.2023

**97**  
намунали



## Жаббаров Иброхим Султонмуратович

ЖИБ Чортотқ туман суднинг раиси

Туғилган санаси:	01.10.1978
------------------	------------

Судьялик стажи:	2 йил
-----------------	-------

Малака даражаси:	4
------------------	---

Биринчи инстанцияда **287** та жиноят ишини куриб тамомлаган.

Биринчи инстанцияда **2474** та маъмурий ҳуқуқбузарлик ишини куриб тамомлаган.

Биринчи инстанцияда **692** та материаллар куриб тамомлаган.

Суд қарорларининг сифати:

**50/44**

Бекор қилинган суд қарорлари	2	-4
Жазо қўллаш түғрисида қарор	2	-4
Ўзгартирилган суд қарорлари	1	-2
Айблов ҳукми	1	-2
Жами	3	-6

Судьянинг одоби ва масъулияти:

**45/45**

Жами		
------	--	--

Чет тилларини билиши:

**5/0**

Жами		
------	--	--

Қўшимча баллар:


**+8**

Муайян иш бўйича тарафларнинг яратувига (келишувига) эришганлиги	<b>+3</b>
Иш ҳажми	<b>+5</b>

## Вилоят суди рейтинги

№	Вилоят номи	Рейтинг
1	Наманган вилояти	94,5
2	Жиззах вилояти	90,4
3	Сирдарё вилояти	90,1
4	Қашқадарё вилояти	89,9
5	Андижон вилояти	89,4
6	Самарқанд вилояти	89,3
7	Қорақалпоғистон Респ.	88,5
8	Хоразм вилояти	88,5
9	Бухоро вилояти	88,2
10	Тошкент вилояти	86,8
11	Фарғона вилояти	84,1
12	Навоий вилояти	82,9
13	Сурхондарё вилояти	81,2
14	Тошкент шаҳри	80,5

Фаолият кўрсаткичи қониқарсиз (56 баллдан паст) **31** нафар (2022 йилда 24 нафар) судьянинг малакасини ошириш бўйича комплекс чора-тадбирлар белгиланди.



## "Ибратли судья" мукофоти билан тақдирланган судьялар

Суд тизимида самарали ва ҳалол фаолият юритаётган, ўзининг чуқур билими, одоб-ахлоқи ва маънавий фазилатлари билан касбдошларига намуна бўлаётган, одил судловни таъминлашга муносиб ҳисса қўшиб келаётган профессионал касб маҳоратига эга бўлган **15** нафар судья "Ибратли судья" мукофоти билан тақдирландилар.



## «Суд фахрийси» кўкрак нишони



2023 йилда байрам кунлари арафасида **82** нафар фахрийга “Суд фахрийси” кўкрак нишони ва гувоҳнома тантанали равишда топширилди.

2021-2022 йилларда жами **189** нафар фахрий кўкрак нишони билан тақдирланган.



## Ўзбекистон Судьялар клуби



Судьялар клубининг электрон платформасида судьянинг дахлсизлиги бузилган ҳолатлар тўғрисида тезкор хабар юбориш, одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилишини таъминлаш, ўзаро мулоқот асосида судьялар малакасини ошириш ва ягона суд амалиётини жорий этишга кўмаклашиш тизими яратилди.

Клубнинг онлайн форумида суд амалиётига оид **12283** та мавзу бўйича ўзаро **393693** маротаба фикр алмашинилди, Иқтисодий ишлар бўйича **65820** та масала муҳокама қилинди.

Форумда фуқаролик ишлари бўйича суд амалиёти **136020** марта, жиноят ишлари бўйича суд амалиёти **107137** марта, маъмурий ишлар бўйича суд амалиёти **37646** марта муҳокама қилинган.

Форумда :

- судьялар моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларини тўғри қўллаш бўйича тавсиялар; одоб-ахлоқ қоидаларини муайян вазиятларда қўлланилиши юзасидан сўровларга тушунтиришлар; судьянинг мустақиллиги ва дахлсизлиги билан боғлиқ масалалар;

- судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар;

- судьянинг маънавияти;

- суд тизимидағи янгиликлар ва судьялар учун эълонлар бўлимида мулоқот қилиш имкони яратилди.



## Судьялар клубининг онлайн форуми


Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг 2021 йил 7 январдаги қарори билан Ўзбекистон Судьялар клуби тўғрисидаги Низом, Клубнинг масъул аъзолари ҳамда Клуб фаолиятига қўмаклашувчи ҳудудий вакиллар таркиби тасдиқланиб, Клуб ўз фаолиятини бошлади.

Судьялар клубининг электрон платформасида судьянинг дахлизилиги бузилган ҳолатлар тўғрисида тезкор хабар юбориш, одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилишини таъминлаш, ўзаро мулоқот асосида судьялар малакасини ошириш ва ягона суд амалиётини жорий этишга қўмаклашиш тизими яратилди.

Судьялар олий кенгashi ҳузуридаги Судьялар клубида бўлиб ўтган “Аёл судьялар жамоаси”нинг онлайн-форумида аёл судьяларнинг фаолияти, уларни қийнаётган муаммолар, фарзанд тарбиясидаги иштироки, ўзини тутиши, одил судловни амалга оширишдаги фаоллиги каби масалалар муҳокама қилинди.



### Муҳокамалар статистикаси



## Ижодкор судьялар клуби фаолият юритмоқда



Судьялар олий кенгаши ташабуси билан яна бир хайрли ишга қўл урилди: Кенгаш қошида “Ижодкор судьялар клуби” ташкил этилди.

Судьяларимиз орасида бадиий адабиётга ошнолари оз эмас. Тошкент вилоят судининг судьяси Холмамат Хасанов (Хол Муҳаммад Хасан) таниқли шоир. Қашқадарёлик Ҳамид Бобоқулов насрда дурустгина қалам тебратмокда.

Ушбу сурат судья А.Пайғамов томонидан  
чизилган.

# **Халқаро хуқуқий ҳамкорлик соҳасидаги ишларни мувофиқлантириш**

**Туркия Республикаси**



2023 йил 25 - 29 апрель кунлари Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг аъзолари Хусниддин Камолов, Ихтиёр Ҳакимов,

Судьялар Олий мактаби директорининг ўринбосари Дильшод Исраилов ва ўқитувчиси Максуд Ниязовлар Туркияning Бурса шаҳрида кибержиноятчиликка қарши курашиш масаласида Туркий давлатлар ташкилоти (ТДТ) ташабbusи билан Туркия Республикаси Одил судлов Академияси томонидан ўtkазилган халқаро семинарда иштирок этишиди.



2023 йил 12 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгashi Туркия халқаро ҳамкорлик агентлигининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси (ТИКА) раҳбари Али Риза Тезкан билан учрашуви бўлиб ўтди.

Учрашувда судьяларнитанлаш валавозимгатайинлашнинг инновацион тизими, судья кадрлар тайёрлаш ва одил судловни амалга оширишда уларнинг мустақиллиги ҳамда дахлсизлигини самарали таъминлашнинг хуқуқий ва амалий жиҳатлари ҳақида сўз юритилиб, ҳамкорликнинг истиқболлари муҳокама қилинди.

Туркия Республикаси Судьялар ва прокурорлар кенгashi аъзоларидан иборат делегация Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгashiда бўлиб, судьялар ҳамжамиятининг мазкур мустақил органи фаолияти билан яқиндан танишиди.



Тадбир дебочасида икки давлат етакчиларининг сиёсий иродалари натижасида Туркия ва Ўзбекистон ўртасидаги алоқалар изчил ривожланиб бораётгани мамнуният билан қайд этилиб, судьялар корпусини шакллантириш, уларнинг малакасини янада ошириш борасида ҳамкорлик фойдали ва манфаатли экани алоҳида таъкидланди.

Мамлакатимизда ўtkазилаётган суд-хуқуқ ислоҳотлари, хусусан,

Судьялар олий кенгаши фаолияти мисолида суд ҳокимияти мустақиллигини самарали таъминлаш, судьялар корпусини шакллантириш ҳамда уларнинг



дахлсизлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар меҳмонлар томонидан эътироф этилди. Айниқса, ўтган қисқа вақтда судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш, танлаш ва тайинлашнинг очиқ ва шаффоғ тизими яратилгани катта қизиқиш уйғотди.

Туркия Одил судлов академиясининг таклифига биноан Судьялар олий кенгаши котиби Х. Содиқов 2023 йил 6-8 декабрь кунлари Анқара шаҳрида ўtkazилган “Туркий давлатлар ҳуқуқи тарихи” номли халқаро симпозиумда иштирок этди, тадбирдан мақсад – туркий дунёда умумий ҳуқуқий тушунчаларни ривожлантириш, туркий давлатларнинг ҳуқуқ тарихи ҳақида хабардорликни ошириш, туркий дунё ҳуқуқшунослари, тарихчилари, олимлари ва сиёсатчилари ўртасида ҳамкорликни йўлга қўйиш имконини яратишидир.



## Италия



Судьялар олий кенгашида Италия Олий суди судьяси Марко Мария Альма ва мазкур мамлакат Судьялар мактаби ижроия қўмитасининг вице-президенти Марисария Мореги хоним билан учрашув бўлиб ўтди. Кенгаш раиси меҳмонларни юртимизга ташрифи билан қутлаб, суд-ҳуқуқ соҳасидаги ҳамкорлик икки мамлакат ўртасида ривожланиб бораётган алоқаларнинг ажралмас қисми эканини қайд этиб ўтди.

Самимий ўтган мулоқотда меҳмонлар мамлакатимизда изчили давом этаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотлари, бу жараёнда суд ҳокимияти мустақиллигини янада мустаҳкамлаш, судьялар дахлсизлигини таъминлаш устувор аҳамият касб этаётгани ҳамда судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш ва тайинлашда жорий этилаётган инновацион янгиликларни эътироф этди.



## Жанубий Корея



Судьялар олий кенгаши судьяси В.Файзуллаев 2023 йил 6-19 август кунлари Ўзбекистон Республикаси суд тизимининг 14 нафар ходимларидан иборат делегация Жанубий Корея Республикасининг Сеул шаҳрида Судлар малака ошириш институтининг 14 кунлик малака ошириш курсларида, Жанубий Корея Республикасининг суд тизимида ахборот технологияларини жорий этилганлик ҳолати ва келгусидаги режалари бўйича ўкув семинарида иштирок этишиди.

Судьялар олий кенгаши судьяси С.Каримов 2023 йил 28 август – 4 сентябрь кунлари Ўзбекистон Республикаси суд тизимининг 8 нафар ходимларидан иборат делегация Корея Олий суди раисининг таклифига биноан Жанубий Корея Республикасининг Сеул шаҳрига расмий ташриш амалга оширилган. Таширифдан кўзланган мақсад - Корея суд тизими билан яқиндан танишиш, икки мамлакат суд органлари ўртасидаги ўзаро алоқаларни мустаҳкамлаш, шунингдек электрон суд ишларини юритишда, маълумотларни сақлаш, қайта



ишлаш ва таҳлил қилишда илғор технологиялардан фойдаланиш, одил судлов соҳасига сунъий интелектни жори қилиш имкониятларини, судлартомонидан фуқароларга кўрсатиладиган электрон хизматлар ва бошқа бир қатор соҳаларда Корея Олий суди тажрибасини ўрганиш.



## Малайзия



Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашида Малайзия Баш прокурорининг биринчи ўринbosари Аҳмад Террирудин бин Моҳд Саллеҳ бошчилигидаги делегация билан учрашув бўлиб ўтди.

Судьялар олий кенгаши раиси меҳмонларни мамлакатимизга ташрифи билан қутлаб, мамлакатимиз суд-хукуқ тизимида амалга оширилган ислоҳотлар, бу жараёнда суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш ҳамда професионал судьялар корпусини шакллантириш устувор вазифага айланганлигини қайд этди.

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашида Малайзия Баш прокурорининг биринчи ўринbosари Аҳмад Террирудин бин Моҳд Саллеҳ бошчилигидаги делегация билан учрашув бўлиб ўтди.

Судьялар олий кенгаши раиси меҳмонларни юртимизга ташрифи билан қутлаб, мамлакатимиз суд-хукуқ тизимида амалга оширилган ислоҳотлар, бу жараёнда суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш ҳамда професионал судьялар корпусини шакллантириш устувор вазифага айланганлигини қайд этди.

Делегация аъзолари судья фаолиятининг самарадорлигини электрон рейтинг орқали очик ва шаффоф баҳолаш электрон дастурини билан танишиб, професионал судьялар корпусини шакллантиришда мазкур электрон дастурни муҳим омил сифатида эътироф этишди.




## Германия Федератив Республикаси



Судьялар олий кенгаси судьяси О.Мирзамахмудов 2023 йил 24 апрель – 5 май кунлари Ўзбекистон Республикаси суд тизимининг 3 нафар ходимларидан иборат делегация Германия халқаро ҳамкорлик ташкилотининг (GIZ) “Марказий Осиёда ҳуқуқий

давлатчиликка қўмаклашиш” минтақавийдастурдиорасида Германия Федератив Республикаси Висмар шаҳрида “Висмар Шарқ” институти қўмагида ташкил этилган ўқув семинарида иштирок этишди.

Ўқув семинарда маъмурий суд ишларини юритиш, маъмурий суд ишлари тарихи каби мавзуларда маъruzalар қилинди.



2023 йил 20 июль қуни Судьялар олий кенгасида Германия халқаро ҳамкорлик жамиятининг (GIZ) “Марказий Осиёда ҳуқуқий давлатчиликка қўмаклашиш” дастури лойиҳаси раҳбари Кристоф Копецки билан учрашув бўлиб ўтди.


Мулоқотда Кенгаш ва мазкур халқаро ташкилот ўртасидаги ҳамкорлик, бу бора амалга оширилаётган ишлар ва уларнинг самарадорлиги хусусида фикр алмасилди. Мамлакатимизда изчил давом этаётган суд-ҳуқуқ

ислоҳотлари жараёнида суд ҳокимият мустақиллиги ва дахлсизлигини самарали таъминлашнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган ишлар эътироф этилди. Шунингдек, судьяликка номзодларни тайёрлаш, танлаш ва тайинлаш ҳамда уларнинг малакасини оширишда илғор хориж давлатлари, хусусан, Германия тажрибасини ўрганиш фойдадан холи бўлмаётгани билдирилди.





## Кенгаш томонидан судьялар учун чоп этилган қўлланма ва рисолалар



Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши томонидан тайёрланган “Судлар фаолиятида ҳуқуқни қўллаш амалиёти: Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган нормалари” номли қўлланма ўкув қўлланма сифатида тавсия этилди. Бу ҳақдаги Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг (эндиликда Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги) тегишли буйруғи 2022 йил 30 декабрь куни (429-сон) қабул қилинди.



“Судьянинг мустақиллиги ва дахлсизлиги. Суд ишига аralашганлик учун жавобгарлик асослари” қўлланмасида судьялар мустақиллиги ва дахлсизлигини таъминлашнинг ҳуқуқий асослари борасидаги миллий қонунчилик ва халқаро тажриба, судьялар мустақиллиги ва дахлсизлигига таъсир кўрсатувчи омиллар, хусусан оммавий ахборот воситалари ходимлари, журналистлар, блогерлар ҳамда судьявасудорганлари ўртасидагимуносабатлар судьялар мустақиллигини таъминлаш, судьялар мустақиллиги ва дахлсизлигини бузганлик учун жавобгарлик масалалари чуқур ўрганилиб, тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди. Қўлланманинг тақдимоти ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари иштирокида ўтказилди.



## Аҳоли ҳуқуқий онгини ошириш учун чоп этилган қўлланма ва рисолалар

Судьялар олий кенгаши ташаббуси билан “Фуқаролик ишлари бўйича давлат божини белгилаш ва ундириш тартиби” номли амалий қўлланма тайёрланди.



Мазкур қўлланма фуқаролик ишлари бўйича судларга киритилган даъво аризалари бўйича давлатбожи миқдорини ҳисоблаш ва ундириш юзасидан атрофлича маълумот берилади. Шунингдек, тўпламдан давлат божи масалалари бўйича амалдаги қонунлар, Олий суд Пленумининг қарорлари, умуман, бож ундируви билан боғлиқ (давлат божини кечиктириш, бўлиб-бўлиб тўлаш ва ҳоказо) ҳуқуқий норматив-ҳужжатлар ҳамда намунавий суд қарорлари ҳам жой олган.




“Тадбиркорлар ҳуқуқи суд ҳимоясида” амалий қўлланмасида тадбиркорларнинг республикамиздаги иқтисодий судларга ариза ёки даъво аризаси билан мурожаат қилиш, ишларни кўришда иштирок этиш ҳамда суд ҳужжатлари устидан шикоят қилиш тартиби юзасидан ҳуқуқий тушунтиришлар берилган.

Шунингдек, судларга мурожаат қилишда, ўзаро ва давлат органлари ўртасида юзага келган низоларни қонуний ҳал этишда эътибор берилиши лозим бўлган муҳим жиҳатлар, ҳуқуқий имкониятлар, тартиб-қоидалар ҳамда бошқа шу каби фойдали маълумотлар оддий тилда, имкон қадар қисқа ва лўнда баён қилинган.

Тадбиркорлик субъектлари иштирокида ўтказилган тадбирда Судьялар олий кенгаши ташаббуси билан нашр этилган мазкур амалий қўлланма тақдим этилди.



# Ибрат мактаби



2023 йил 3 февралда Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ташаббуси билан Алишер Мардиевнинг мазмунли ва синовли ҳаёти ва серқирра фаолияти тўғрисида "Муносиб яшамоқ баҳти" номли китоб нашр этилди. Унда машҳур ҳуқуқшуноснинг мамлакатимиз юриспруденцияси тараққиётига қўшган муносиб ҳиссаси ноёб архив материаллари ва далиллар асосида очиб берилган.



Судьялар олий кенгашининг мамлакатимиз ҳуқуқий тараққиётига муносиб ҳисса қўшган, ҳаёти ва фаолияти ибрат мактабига айланган устозлар ҳақида ҳикоя қилувчи китоблар нашр этилиши мақсадга мувофиқдир. Мақсад - маърифат ва маънавият элчилари бўлмиш китоблар орқали бўлажак ҳуқуқшуносларни тарбиялаш, судьялар ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларини касбига садоқатли инсонлар бўлиб шаклланишига ҳисса қўшишдир.



вояга етган Умсун опа Астанова оддий ишчиликдан туманинг суд раиси лавозимигача бўлган мاشаққатли, аммо шарафли йўлни босиб ўтди. “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ҳуқуқшунос” фахрий унвонига сазовор бўлди.



2023 йил 20 октябрда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ҳуқуқшунос **Умсун Астанованинг** ҳаёт йўли ва меҳнат фаолияти ҳақида ҳикоя қилувчи ёзувчи Арслон Эшмуродов қаламига мансуб “Матонатли аёл қиссаси” китобининг тақдимоти бўлиб ўтди.

Форишлик оддий қишлоқ аёли Умсун опа Астановани нафақат Жиззах вилоятида, балки республикамизда ҳам кўпчилик яхши танийди.

Оддий деҳқон оиласида туғилиб

“Матонатли аёл қиссаси” асарида опанинг ҳаёт йўли ҳаётий воқеалар асосида бадиий талқин қилинган. Муаллиф асарда қишлоқ аёлининг оддий ишчиликдан туман суди раиси даражасига бўлган ҳаёт йўлини ёрқин чизги-ларда баён этган.



Конституция байрами арафасида Судьялар олий кенгаши ташаббуси билан ўзига хос маърифий тадбир бўлиб ўтди. Тадбирда бу йил умумхалқ референдуми орқали мамлакатимизнинг янги таҳрирдаги Конституцияси қабул қилингани қайд этилди. Янги таҳрирдаги Конституцияда инсон қадри – бош тамойил сифатида белгиланиб, “инсон – жамият – давлат” тизими асосий йўналиш сифатида белгиланди.

Бундан ташқари, янги таҳрирдаги Конституцияда Судьялар олий кенгаши таркибини демократик тарзда шакллантиришга оид янги норма киритилди.

Конституция байрами арафасида ушбу туркумдаги яна бир китоб нашрдан чиқди. Журналист Турсунали Акбаров қаламига мансуб “**Оидлик ва оддийлик саодати**” номли мазкур китобда салкам чорак аср Конституциявий судда (3 йил судья, 13 йил раис ўринбосари, 7 йил раис сифатида) фаолият кўрсатган, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист Бахтиёр Мирбобоевнинг осон кечмаган ҳаёт йўли, у киши ҳақида ўқилмаган ҳақиқатлар ўзига хос услубда баён қилинган.



Бундан ташқати бир қатор судьялар ва суд ходимлари ҳамда уларнинг оналари Судьялар олий кенгаши томонидан тақдим этилган эсдалик совғалар ва ташаккурномалар билан тақдирландилар.



## Судларда Одоб комиссиялари фаолият юритмоқда



Судьялар олий кенгаши, вилоятлар ва унга тенглаштирилган судларда Одоб комиссиялари фаолият юритмоқда. Комиссияфаолияти судьялартомонидан Судьялародоби кодекси қоидалари бузилиши ҳолатлари юзасидан жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари ҳамда оммавий ахборот воситаларида, интернет тармоғида эълон қилинган хабар ва маълумотларни ўз вақтида холис ўрганилишини таъминлашга қаратилган бўлиб, бу борада судьялар малака ҳайъатларига кўмаклашади.



# **МУНДАРИЖА**

Кириш .....	5
Судьялар корпусини шакллантириш .....	6
Суд тизимида гендер тенгликни таъминлаш .....	13
Судьялар дахлсизлигини таъминлаш .....	16
Суд тизимида коррупцияни олдини олиш чора-тадбирлари .....	18
Судьяларни касбий тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этиш .....	19
Оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик .....	23
Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари бўйича таҳлил.....	24
Замонавий ахборот-технологияларни кенг жорий қилиниши.....	26
Судьялар фаолияти самарадорлигини баҳолаш натижалари .....	29
"Ибратли судья" мукофоти .....	31
Суд фахрийси қўкрак нишони.....	32
Судьялар клуби .....	33
Халқаро ҳуқуқий ҳамкорлик .....	35
Нашр этилган китоб, журнал, тўплам, қўлланма ва рисолалар .....	40
Ибрат мактаби .....	42

# Қайдлар учун

## Қайдлар учун

## Қайдлар учун



